

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

• БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА



Паға-паға оппоқ қор ёғар,
Боғлар киймиш илоҳий либос...



МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Ўзбекистон Республикаси «Наврўз» ва «Маҳалла» хайрия жамғармалари томонидан чиқарилган ўн марта ўйналадиган пул-ютуқли хайрия лотереясини сотиб олинг! Унда йил давомида 10000000, 5000000, 1000000 сўмлик ва ҳоказо жами 2 (икки) миллиард (!) сўмлик ютуқ ўйналади. Лотереядан тушган маблағнинг учдан бир қисми хаста дилларга малҳам бўлади. Миллий қадриятларимиз ривожига, маҳаллаларимиз ободончилигига сарфланади. Хайрия лотереяси — бу Сизнинг оилангизга, қўшниларингизга, маҳалла ва улуг Ватанингизга инъом этган саҳдватингиздир.

Хайрия лотереясининг ютуқлар тиражи «Оила ва Ҷамият» газети саҳифасида бериб борилади. Ушбу лотерея ўйнида Сизга омад ёр бўлсин.



ОНАНИНГ ҚУЛИ УЗОҚҚА ЕТАДИ

— Уч нарса умри узайтиради: кенг уй, яхши улов, меҳрибон хотин. Ҳар бир одам учун энг аввало оила керак. Агар никоҳсиз оила тузилса одамнинг қаеридир бўм-бўш бўлиб туради. Никоҳ — Оллоҳга ичилган қасам. Калима — Худонинг каломи. Бу қасамни бузган одам бахтли бўлолмайди.

— Никоҳда расмий қонунлар устивор бўлиши керакми, шаърий!

— Иккиси ҳам зарур. Қадимда шаърий қонун-қоидалар устун бўлган бўлса, ҳозир расмий. Чунки ота-боболаримиз Худога ичган қасамдан кўрқишган. Бугунги кунда никоҳга иккиси ҳам керак.

— «Халқни тарбияли қилишда хотинларни тарбияли қилиш керак» деб ёзади Ризоуддин ибн Фахруддин. Бу фикрга қандай қарайсиз!

— Жуда тўғри фикр. Яна бир буюк зот: «Ҳар бир хотуннинг ақлини ўлчалоқчи бўлсангиз, унинг болаларига боқинг» деган экан. Ахир, унинг боласи эртага халққа қўшилади, демак халқ бўлади. Она нимани истаса албатта юзага чиқади. Онанинг қўли отанинг қўлига қараганда узоққа етади.

Баъзи бировлар аёллар билмасиз бўлиши керак дейишади. Бу бутунлай нотўғри фикр. Эркаклар боласини тарбияли қилишга ҳар қанча уринишмасин, тарбия меъёрига етмайди. Бу мақсадга фақат аёллари билангина эришиши мумкин. Тарбияли халқни кўриш учун, аввало аёллар билимли бўлиши керак. Унутманг, Анатол Франс айтганидек, «Аёл эркакларнинг буюк тарбиячиси-дир».

— Агар оила фақирлашса, айбдор эрми, хотин!

— Биласизми, хотин фақирликка қарши отланган бир аскар. Унинг Ватани эри ва уйи, истаги — тиришқоқлик, билими — идора, қуроли-ишан билан қайчи. Оила қанчалик камбағаллашса, аёл шунча гуноҳ қилган. Эр жамғарувчи, хотин жамғарманнинг сарфловчиси. Турмуш сарфидан ортган жамғармани эр-хотин тенг бўлиш керак.

— Баъзи бир суҳбатларда эркаклар: «Хотинини севмайман» деб қолишади. Бу ҳодисани аёлларда ҳам учратиш мумкин...

— Тўғри, мен ҳам бу воқеаларнинг гувоҳи бўлганман. Бу эркаклар учун унчалик кўрқинчли эмас, аёллар учун эса... гапиришга ҳам тилим бормади. Чунки эркаклар хотини севмаслигини билса ҳам севиб яшайвериши мумкин, аммо хотинни эр севмаса...

— Баъзилар оилани асраб туриш учун «қалин» пули керак дейишади...

— Эр билан хотинни бири-бирига боғлаб турувчи нарса муҳаббатдир. Агар оилани дарак деб олсак, муҳаббат унинг япроқлари. Муҳаббат бор жойда фаровонлик ҳам бор. Севишиб турмуш қурганларга жуда ҳавасим келади. Қизлар бир нозик гул, уларни фақат севиш керак. Аммо яхши турмуш қуриш учун биргина муҳаббат кифоя эмас. Катта дўстлик ҳам керак. Кўча севгиси уйни барбод қилади. Шундай ҳам бўлади: севишадилар, аммо турмуш қуришни билишмайди. Яхши яшаш учун, яхши оила учун курашмоқ лозим. «Қалин» бир восита бўлиши мумкин, холос. У ҳеч қачон асосий ролни ўйнолмайди.

— Кечирасиз, ўзингиз севишиб...

— Йўқ, — дейди ҳижолатомуз. — Совчилар келишган... тўй бўлган. Тўйдан олдин тўрт-беш марта учрашганмизам.

— Баъзида ёшлар фақат ота-онанинг ихтиёри билангина розилик беришади. Кўп ажраларнинг бир сабаби шунга бориб тақалмасмикин!

— Турмуш бир-икки кунлик сафар эмас, уйламай қурилган турмуш тўйдан кейин тез бузилади. Тўйдан кейин бир-икки ойгина яшагандан сўнг ажрашамиз деб ариза бериб турганларнинг ҳам гувоҳи бўлганмиз. «Нимага?» деб сўрасангиз, «Бир-биримизни тушунмадик» дейишади. Бир-икки ой муҳлат берамиз. Кўпи натижасиз чиқади. Бунда ота-онага қийин, қизга қийин. Тўйдан олдин, албатта, кенгашиш керак, кексалардан маслаҳат сўраш керак, ахир кенгашли тўй тарқамас, деб бежиз айтишмайди.

— Суҳбатимиз тўйга келиб тақалди. Айтингчи, бугунги кун тўйи қандай бўлиши керак!

— Ота-оналар топган-тутганини, ҳатто болаларининг насибасини ҳам қийиб, йиллар давомида бир марта тўй қилади-ю бор-будуни ҳавога совириб, бармоғини ялаб ўтираверади. Шунинг учун тўй масаласини, айниқса, бугунги иқтисодий қийин даврда яхшилаб ўйлаб кўришимиз керак деб ўйлайман. Ахир бир тўйда бўладиган исрофгарчиликка икки ёш бир йил яхшигина, қийинчиликларсиз яшаш мумкин ва бугунги тўйдаги маданиятсизликлар ёшларнинг онига ҳам катта зарба бўляпти. Ахир пул қистириш пойгаси, ўйинчининг суяқлиги...

— Оилангиз тўғрисида!..

— Фарзанд кутяпмиз...

— Уғил бўлсин! Самимий суҳбатингиз учун раҳмат!

ШАВҚИДДИН суҳбатлашди

ЕТТИ КУН

ДЕЯРЛИ, ТҮЙ...

Талабалар ва шифокорлар шаҳарчасида ош дамланди. Ва ҳар бир ётоқхона олдидаги дошқозондан ҳар бир хонага текин тарқатилди. Хуллас Ўзбекистон Конституцияси кўни олдида берилган ошхўрлик зўр бўлди!

БИР ЧИҚСА ҚУША-ҚУША

«Шарқ юлдузи» ва «Ёшлик» журналларининг янги сонлари нашрдан чиқди. «Шарқ юлдузи»нинг 10—12 «Ёшлик»нинг ҳам 7—8 сонлари бир бўлиб чоп этилди. Айтмоқчимизки, олиб ўқинг, маъна қиласиз. Ҳажми кичик бўлган билан, «мағзи» тўқ нашрлар.

УЯЛИШДИ, ҚОЧИБ ҚОЛИШДИ

Самарқанд темир йўл вокзалида аёллар эркаклар учун алоҳида кассалар мавжудлиги ҳақида хабар бергандик.

Яқинда кассаларнинг аёллар бўлимида ҳеч ким йўқлиги учун 4—5 эркак «қондан» бузиб навбатга турганди. Шу пайт бир аёл кела бошлади. Нима қилиш керак! Туравериш... Эркаклар «уялишди». Уялганларидан касса дарчасига баттароқ бекиниб олишди.

Чипта олиб бўлгач эса, тарақайлаб қочиб қолишди.

ОБУНА БҮЛОЛМАЙСИЗ

«Қашқадарё ҳақиқати» газети фақат чакана савдога чиқарила бошлади. Обунага эса йўқ. Қоғоз камайиб, харажатлар кўпайиб, матбаа ишлари қийинлашиб кетганлиги боис таҳририят шундай йўл танлади.

КҮРСАТИБ ҚҮЙИШДИ

Нимани дейсизми! Олтин кони қарздор бўлиши мумкин эмаслигини.

Ғаллаоролдаги Маржонбулоқ олтин кони «бўғзи»гача қарзга (олтинга ҳам) ботган эди. Америкалик ишбилармонлар келиб «Маржон» номли «Ўзбекистон — АҚШ» қўшма корхонасини очди. Энди корхона ҳар йили 10 миллион доллар соф фойда келтиради, — деб хабар беради «Жиззах ҳақиқати» газети.

БРЮС, АРНОЛД, ВАН ДАММ

халқимиз учун фақат армон бўлиб қолмайди. Биз келажақда Рустам, Алпомиш, Гўрўғли ўз аждодларимиз эканлигини исботлаймиз.

Яқинда юртдошимиз В. Қулаҳматов (63 кг) Масковда ўтган 30 дан ортиқ мамлакат вакиллари ўртасидаги таъкивандо мусобақасида голиб бўлди.

УЧ ПАҲЛАВОН УҒИЛ

Ва яна: хабарингиз бор: Русиянинг Омск шаҳрида самбо кураши бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Катта майдонда кураш тушган термизлик уч ака-ўка Ботир, Баходир, Баҳром савриндор бўлишди. Бирови кумуш, иккови эса бронза нишонни билан қайтишди.

УЛУҒБЕКДАН ОЛДИН ҲАМ

бизда астроном олимлар, мунаожимлар ўтган экан. Бу иддаони олимлар айтишди ва тасдиқлашди. Тожик атрофида минг йилдан бери мавжуд бўлган, ҳамма унсурлари бус-бутун расадхона топилди. Урганилмоқда.

Нилуфар Насриддинова Шайхонтоҳур туманининг «2-Бахт уйи»да назир бўлиб хизмат қилади. Самимий аёл. Қуйида муҳбиримизнинг Ўзбекистон Республика Конституциясининг бир йиллиги муносабати билан Оила ва Никоҳ мавзусида қилган суҳбатини ўқийсиз.

— Нилуфар опа, муқаддас саналадиган нарсаларга Никоҳ ҳам қўшилади. Никоҳнинг муқаддаслиги нимада деб ўйлайсиз!



ЭРНЕСТ СЕТОН ТОМПСОН

Канада адаби

ЧИНОҚ

Бу оқдун қуёни Чиноқ дейдилар. Унга бундай лақаб қўйишларига сабаб, унинг бир қулоғи тишлаб ташланган, яъни, чиноқ бўлиб қолган. Дарҳақиқат, унинг ҳаётда шундай кўргилик содир бўлган эди. У унда онаси билан Олифант ботқоғида яшарди, мен уларни биринчи марта ўша ерда кўрган эдим. Ўшанда ушбу ҳикояни яратиш учун маълумот тўплаш билан машғул бўлган эдим.

Жониворларни яхши билмайдиган одамлар, мени жониворларга кўп инсоний хислатларни юклайди, дея ўйлашлари мумкин. Лекин қимда-ким жониворлар ҳаётини, уй-хавлларини яхшироқ билган бўлса, бундай ҳаёлга бормайди. Тўғри, масалан, қуёнлар гапиролмайди, аммо улар овоз, имо-шора, ҳид ёрдамида, мўйловларини бир-бирига сўйкаш, турли ҳаракатлар ёрдамида бир-бирлари билан гап бериб, гап олишлари мумкин. Мен ушбу ҳикоямни қуёнларнинг аниқ шундай гап бериб, гап олишларини инсон тили билан ифода этдим, қуёнлар гапирмаган гапни мен ҳам гапирмадим.

* * *

Қуюқ ўсган кўкатлар бир ёнига эгилиб қолиб, онаси Чиноқни яшириб қўйган инни пана қилиб қўйди. Онаси уни яхшилаб ўраб-чирмаб қўйиб, одатдагидек қимирламай ётишни, қатъиян овоз чиқармасликни тайинлади. Аммо қуённинг уйқуси келмай, боши узра ёпилган кўмак либослар орасидан мўралди. Иккита машур — сўфитўрғай билан қизил олмахон бир-бирларини ўғри. Ўғри, дея сўкиб, Чиноқ ётган ин устидан олишиб қолди. Сўроқчи бир читтақ Чиноқнинг шундайгина тумшуги

олдидан учиб ўтаётган мовий капалакни тугиб олди, қора холли қизил хонқизи мўйловини тоблаб-тоблаб, кўкатдан-кўкатга қўнди. Пастлаб бориб, Чиноқнинг тумшугида қўнди. Чиноқ миқ этмай, қоғиб тураверди.

Бир оздан кейин шу яқиндаги буталар орасидан хазонлар шитирлаши эшитилди. Хазонлар тинимсиз, гала ти шитирлади. Хазонлар товуши борган сайин яқинлашди, аммо бунинг қадам товушим, нима эканини билиб бўлмади. Чиноқ дунёга келганига уч ҳафта бўлаётдики, умри шу ботқоқда ўтаётди, аммо ҳалигача бундай шитир-шитирга дуч келгани йўқ. Шу боисдан ҳам қулоғи янада динг бўлди. Тўғри, онаси уни жим ўтир, деб тайинлаб кетган, лекин уни ҳаммиса эмас, хавф-хатар туғилганини да жим ўтир, деган. Шарпасиз хазонлар шитири тобора ваҳимали туюла борди. Шитир-шитир яқин келиб, ўннга бурилди, сўнг изига қайтиб кетаётгандай бўлди. У нима қилишини ўйлаб қўйди. Коптоққа ўхшаган қоматини кўтариб, орқа оёқларида тик турди, майдагина дум-думалоқ бошини инидан чиқариб, ўрмонга назар солди. У жонидан қимирлаши биланоқ ҳалиги шитир-шитир бирдан тинди. Чиноқ ҳеч шубҳали нарса пайқамай, олдинга юрди. Шунда улкан бир қора илонга дуч келди. Илон унга ташланди.

— Эна! — ўлардек қўрқиб қачқирди бечора қуёнча.

Чиноқ қочиб қолиш учун бутун кучини оёқчаларига йиғиб талпинди, аммо илоннинг тезлигида унинг қулоғига чанг солди, коптоқдай қоматига ўралиб олди, уни тушлик қилишга мўлжаллади.

— Эна, энажон! — ингради

Чиноқ бераҳм махлуқ уни бўға бошлаганда.

Ҳадемай унинг овози абалдий ўчши мумкин эди, аммо ўрмон тубидан онаси ўқдай учиб келди. Онаси Хурпайма Дум Молли ўз соясидан ҳам қўрқадиган камсуқум бир бечора қуён эди. Аммо шу дақиқада уни таниб бўлмади қолди. Оналик меҳр-муҳабати унга куч бағишлади. Болагинининг ёлворувчи овози унда жасурлик уйғотди. У бир сапчиб, илонга орқа оёқлари тирноғини ботириб шундай чангалладики, илон бардош беролмай, вишиллаб юборди.

— Эна! — зорланиб ингради қуёнча.

Онаси яна бир сапчиб, аввалгидан ҳам кучлироқ, даҳшатлироқ равишда тирноқларини ботириб, ниҳоят илон уни тишлайман деб уришиб, боласини қўйиб юборди. Илон Моллининг бир парча жунини юлиб ололди, холос, аммо қуён тирноқлари ботган чипор баданидан қон сизиб бошлади.

Илон оғир аҳволга тушиб, Чиноқни бутунлай қўйиб юборди. Чиноқ шу заҳотиёқ югуриб бориб, бута остига кириб кетди. Чиноқ деярли шикаст емади, аммо илон тишлаб ташлаган чап қулоғи айбдор бўлиб, Чиноқ бўлиб қолди.

Молли қиладиган ишини қилиб бўлди. У шиддат билан чангалзор оралаб чопди, Чиноқ онасининг изидан югурди, онасининг оппоқ қордай думини йўлчи юлдуз қилиб олиб, югуриб бораверди, ниҳоят онаси уни ботқоқнинг бир бехатар жойига олиб келди.

Русчадан Тоғай МУРОД таржимаси

ҚАРҒА ХОЛА

(Анвар Обиджон йўлида)

Қарға хола ва чумчуқ Кизгин суҳбат қўради. Улардан сал нарида Еш бегемот турарди. Қарға хола гийбатлар Хайвонларнинг ҳаммасин. Емонлар шердан тортиб, Ҳаттоки ўз аммасин. Сўзларкан қўрқа-писа

Атрофга қараб олар. Бирдан шўх бегемотнинг Турганин сезиб қолар: — Икки соатдан бери Ботинкагни мойлайсан. Нега катталар гапни Сен зўрраша пойлайсан?

Саломат ҚУЧҚОРОВА, Янгийўл тумани, Ниёзбоши қишлоғи



ҚАЧОН УЛҒАЯРКАНМАН-А!

К. УЛМАСОВ СУРАТИ

АНТИҚА УСУЛ

Мақтабга боришга ҳеч оёғим тортмай қолди. Уқитувчимиз борган сари қийин саволлар бериб, ҳоли жонимга қўймайди. Олдинги каторда ўтиришнинг хосияти йўқ экан. Ҳар куни элакдан ўтаман-да.

Мана, кечаги кунни олайлик. Уқитувчимиз мени ўрнимдан тургазиб, «Хўш, айтчи, Қуён ботқоққа чўкаётган бўлса, биз нима қилишимиз керак?» деб сўраб қолди. «Серқамшироқ жойни танлаб, эҳтиёткорлик билан унга яқинлашамиз», дедим мен.

— Балли! — деди уқитувчимиз.

— Жудаям яқинлашиб қолганимизда бир қўлимиз билан бақувват қамишинг тубидан ушлаб, иккинчи қўлимизни Қуёнга чўзамиз, — мактовдан кўнглим кўтарилиб, баралла гапирдим мен. — Қуён панжага кирди дегунча, уни шартта ўзимизга тортамыз.

— Калланг зўр ишлаяпти! — дея севиниб, кичкирдди

уқитувчимиз. — Бало экансан! Қани, давом эт!

Мен нима дейишимни билмай дудуқланиб қолдим. Шунда уқитувчимиз бирдан қовоғини уйиб, негадир тоқатсизлана бошлади. Кейин бирдан тўнини тескари кийиб:

— Қуён панжанга турибди, хумкалла! — деб ўшқирди. — Гапга тузукроқ хулоса ясамайсанми энди?

Мен баҳомнинг пастлаб кетишидан қўрқиб, пича ўйлабди қолдим. «Қуённинг терисидан лойларни тозалаш ташлаймиз», дедим.

— Гапниям, ишним ҳам чўзворяпсан, — гижинди уқитувчимиз. — Сен Қуённи мушкул аҳволдан кутқардинг, озод қилдинг! Оддийроқ тилда айтганда, Қуёнга фойданг тегди. Энди Қуённинг сенга фойдаси тегиши керак. Хўш, ўйла-чи?

Нима дейишимни билмай қолдим.

— Қуён бошқа бир қуёнга текинга яхшилик қилиши мумкин, — менга еб қўйгудек

бўлиб ўқрайди ўқитувчимиз.

Ҳануз индамай турганимни кўриб, унинг баттардан жаҳли чиқди. Бўғзимдан ушлаб туриб, мени ўзига яқинроқ тортди.

— Аввалига Қуённи озод қиламиз, — туюқиб гапирди ўқитувчимиз. — Кутқариб бўлгач, биз уни мана бундоқ қилиб...

У оғзини катта очиб, тумшугини кекирдагимга яқинлаштирган паллада бирдан ҳамма нарсага тушуниб етдим-у, бор овозда: «Еб қўямиз!» деб кичкирдим. Уқитувчимиз энгил тортиб, ниҳоят мени қўйиб юборди.

— Бор экансан-ку болакай, — чехраси очилиб, елкамга уриб қўйди у.

• Хуллас, битта «тўрт» олгунча она ситим оғзимга келди.

...Нима дединг? Бу масалани осонгина ҳал қилиш мумкин, оғайнижон. Бошни ортиқча қотириб ўтирмаклик учун уларни шартта еб қўямиз, қоринда ўзлари қўшилиб кетаверади.

Анвар ОБИДЖОН

БОЛАНИНГ

ТИЛИ ШИРИН

* * * — Сенинг ёшиңда Вилли Брант синф аълочиси бўлган, — деди жаҳли чиққан ота.

— Сизнинг ёшиңизда эса у аллақачон бундесканлар бўлган эди, — деди ўғли ҳозиржавоблик билан.

* * *

Бир қиз Аляскадан Нью Йоркка иш ахтариб келди. Уни уй-жой билан таъминлаган уй бекаси сўради:

— Ҳўш, қизим, овқат қилишни биласанми? — жавоб берди қиз тортиниб.

— Дазмол қилишни, пол ювшини-чи?

— Буларни ҳам билмайман, — деди қиз.

— Ҳўш, нима қилишни биласан ўзинг?

— Иш ҳаққини кўпайтиришларини талаб қилишни билман холос.

— Соат олти бўлибди, сен эса ҳали биронта уй вазифани бажарганиң йўқ, — койиби онаси Карлни.

— Нима, уй вазифаларини бажарганимда соат олти бўлмай турармиди, — жавоб берди Карл.

МАНБАЪ-УЛ МАОРИФ

(Таржимаи макмаъ ул-латоиф)

Халқимиз тарихини Ислому маънавиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Утмиш авлодларимизнинг Ислому таълимотини оламга ёйишдаги чексиз сайъ-ҳаракатлари бугунги кунда умумбашариятга кундек маълум бўлиб турибди. Туркистон заминидан камол топган уламолар, мутафаккирлар, шоирлар фузалолар халқни билимли қилиш, онг-шуурини ўстириш, эзгулик, яхшилик куртакларини камол топтириш борасида маърифатнинг турли воситаларидан фойдаланганлар. «Манбаъ ул-маориф» ҳам ана шу эзгу мақсад йўлида яратилган мажмуалардандир. Уйлаймизки, унда келтирилган ҳикоят ва ривоятларда кўтарилган масалалар шу кундаги тарбиямизга бевосита дахлдор бўлиб, одоб-ахлоқ, яхшилик ва эзгулик бобида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ва улар ҳар вақт сизу бизни инсофу диёнатга, иймону эътиқодга, шафоату адолатга, меҳру мурувватга боғлайверади.

БИСМИЛЛОҲИР РАҲ- МОНИР РАҲИЙМ

Алҳамду лиллоҳ таоло вал ифтиҳоҳи бисмиҳи авло ва бики астаъийн сумма насто вассалоту вассалому аъло ҳабибиҳи Муҳаммадин саййид-ла анбиён ва аъло олиҳи ваасхабиҳил-лазина ҳумул атқиёи.

Аммо баъд жомиъи осор ва сомийи ахбор чунон ривоят қилибдурларким, худованд холиқи айём ва розиқ аном халқни аввал ўн ҳисса қилиб яратди. Алардан тўққиз ҳиссаси шайтонлар ва жинлар. Ва бир ҳиссаси инсудур. Ва бул бир ҳисса инсниана бир юз йигирма беш синф қилиб яратдики, андин юз синфи яъжуж ва маъжуждур ва қолган йигирма беш синядин йигирма тўртини ҳаммалари кофирлардур ва аларни(нг) борадургон жойлари дўзахдур. Ва бир синфи мусулмонлардур. Бас, ан воиъ инсонни бир юз йигирма беш ҳиссасидан бир ҳиссаси мусулмонлардир. Ва бул мусулмонлар етмиш уч фирқа бўлубдурларки, алардин етмиш икки фирқа аҳли ҳавас ва аҳли бидъатдурлар ва аларни(нг) борадургон жойлари дўзахдур ва бир фирқалари жаннатга борадурлар. Бас, ҳар мўминга

вожибдурки, Худойи таоло янги яъжуж ва маъжуж қилмай ва ё йигирма беш ҳисса кофирларни(нг) қаторида қилмай ва ё етмиш икки фирқа заллатда юрган жамоаларни(нг) қаторида қилмай, балки ақлус суннати ва жамоати қилиб роҳи ростга ҳидоят қилгон Худойи яхши билмоқ ва бул неъматларига шуқр қилмоқ ва ибодатга кеча ва кундуз машғул бўлмоқ вожиб ва лозимдур.

2-ФАСЛ

Яхё бинни Маъоз разияллоҳу анҳудин ривоят қилибдурларки,

— Тоат Худойи таолони(нг) хазинасидур, анга қуфл урилгандур. Бас, ул қуфлни(нг) калиди дуодур ва баракаси луқмаи ҳалолдур. Пайғамбар алайҳис саллам айтдиларки,

— Ҳар ким касбини ҳалол таййиб бўлмоғини хоҳласа андоқ кишига доим беш нимарсани муҳофаза қилмоқ лозимдурки, аввал касбига машғул бўлиб Худойи таоло амр қилган фарзларнинг, чунончи намозу рўза ва ҳажу мунга ўхшаш фарзларнинг ҳеч бирини кечиктурмаслик лозимдур. Иккинчиси шулки, Худонинг маълукларидин ҳеч бирига озор бермаслик лозимдур. Учинчиси шулки, касбидан

ўзига ва аёллари нафақасига кифоя қиладургон миқдорда фойдани қасд қилмоқ, аммо дунёни жамъ қилмоқни қасд қилмаслик лозимдур. Тўртинчиси, касбига аз таҳм дил жидду жаҳд бирла ҳаракат ва тараддуд қилмаслик лозимдур. Бешинчиси шулки, рисқини касбидин кўрмаслик, балки Худодин кўрмоқ лозимдур.

3-ФАСЛ

Ҳазрату Расули Акрам саллоллоҳу алайҳи васалламдин ривоят қилибдурларки,

— Ҳар кимки ҳаромдин касб қилиб мол топса ва ул молдин Худойи таолонинг йўлига садақа берса андоқ кишиларнинг ултурудургон жойлари дўзахдур.

4-ФАСЛ

Ривоят қилибдурларки,

— Ҳар мўмин уйига меҳмон келса, уй эгасига ҳам уч нимарса вожиб бўлур ва меҳмонга ҳам уч нимарса вожиб бўлур. Аммо уй эгасига вожиб бўладургон уч нимарсанинг бири шулки, то бир йил ўтмагунча ани хизматга таклиф қилмаслик, иккинчиси шулки, меҳмонга берган таомини ҳалолдин касб қилиб топиб бермоқлик, учинчиси шулки, меҳмон учун намозни муҳофаза қилмоқлик, яъни намоз вақтида меҳмонга хабар бериб, ани оби таҳоратидин хабардор бўлмоқ лозимдур. Аммо меҳмонга вожиб бўлгон уч нимарсани бири шулки, уй эгаси ани қайси жойга таклиф қилса ўшал жойга ўлтурмоқ, иккинчиси шулки, ани олдиға уй эгаси нима таом қўйса, анга рози бўлмоқ, учинчиси шулки, кетар вақтида уй эгасини дуо қилиб кетмоқ вожибдур.

5-ФАСЛ

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳи

дин ривоят қилибдурлар ва ул киши «Қул куллун яъмалу аъло шокилотих»² деган ояти каримнинг тафсирида айтибдурларки, «аъло шокилотихи» яъни «аъло нийятиҳи». Маъноси шулдирки, амалнинг дуруст бўмоғи ният биландур. Ният дуруст бўлмаса амал ҳам фосиддур. Ва Пайғамбар алайҳиссалом айтадурларки, «Ниятул мўминин ҳайрун мин амалиҳи било нийятиҳи», яъни мўмин кишининг яхши амалға қилгон нияти бе-нияту қилгон амалдин яхшироқдур. Баъзи уламо айтибдурларки, аъмалға ният қилгон киши агарчи амални қилмаса ҳам саъоб топар. Аммо беният амал қилгон киши ҳаргиз саъоб тополмас. Ва амали фосиддур. Ва фосидларнинг гуноҳ учун қилгон ниятлари қилгон гуноҳларидин яманроқдур, чунки ният дилнинг амалидур, маърифатнинг қони ва иймоннинг маконидур.

6-ФАСЛ

Ривоят қилибдурларки,

— Ҳар кимки, юлдузларға қараса ва аларнинг ажойиблигини ва Худойи таолонинг кудратини амални қилиб туруб, «Раббано мохалакта ҳозоботило. Субҳонака факино аъзобан нодинори»³ оятини ўқуса, андоқ банданингомани аъмалиға Аллоҳи таоло ўшал юлдузларнинг ададиға баробар жаннатдин даража ёзар.

ИЗОҲЛАР

1. Аллоҳу таолоға ҳамд бўлсинки, ҳар бир нарсани унинг исми билан бошлаш энг яхшидур. Ва ундан мадад тилаб, кейин саъю ҳаракат қиламиз. Ва пайғамбарлар сарвари — Муҳаммад алайҳиссаломга ва у кишининг тақводор бўлган саҳобаларига дуо ва дуруд бўлсин.

Қуръондан келтирилган оятлар Алоуддин Мансур таржимасида берилган.

2. Айтнинг, ҳар ким ўз ҳолича амал қилур (Қуръон. «Ал-Исро» сураси, 84-оят).

3. Парвардигоро, бу (борлиқ)ни беҳуда яратганинг йўқ! Сен (бирон иш қилиш аибидан) поксан! Узинг бизни жаҳаннам азобидан асрагил! (Қуръон. «Ол-Имрон» сураси, 191-оят).

Суръатхон СОЛИҲУЖА ўғли тайёрлади

Аҳмад ЯССАВИЙ

ҲИКМАТ

Холиқимни излармен тун-кун жаҳон ичинда,
Тўрт ёшимдин йўл инди кавну макон ичинда.

Тўртдин еттига еттим, тўққузун гузар этдим,
Ваҳдат шаробин ичтим, туштум майдон ичинда.

Уч юз олтмиш сув кечтим, тўрт юз қирқ тўрт тоғ оштим,
Ваҳдат шаробин ичтим, туштум майдон ичинда.

Чунки туштум майдонга, майдонни тўла кўрдум,
Юз минг орифни сўрдум, барча жавлон ичинда.

Ғаввос баҳрига кирдим, вуҷуд шаҳрини кездим,
Дурни садафда кўрдум, гавҳарни кон ичинда.

Ариш Курсини юрдум, Лавҳу қалаини кўрдум,
Вуҷуд шаҳрини кездим, айди бу жон ичинда.

Жонни кўрдум жононда, ишқни кўрдум майдонда,
Ошиқларнинг майдони жумла бўстон ичинда.

Эрни кўрдум эргаштим, истадугумни сўрдум,
Борчаси сенда деда, қолдим ҳайрон ичинда.

Ҳайрон бўлибон қолдим, беҳуш бўлубон толдим,
Ўзумни дарёда солдим, топтим дармон ичинда.

Сайр истарми булбул, очилибдур қизил гул,
Ҳар гулни холи кўрма, гулни гулзор ичинда.

Мискин Хожа Аҳмад жони ҳам гавҳардур ҳам қони,
Жумла онинг макони, ул ломакон ичинда.



БОБОЛАРНИНГ УЗИ БИР ҲИКМАТ

Абдул Фани ЖУМА сурати

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

КАРАМ

Карамнинг таркибида йигирмага яқин витамин бор. Карам киши организмдаги ортиқча ёғ, сувларни ҳайдаб чиқаради ва ошқозон-ичак касалликларига фойдали. Парҳез таом бўлиши билан бирга уни тез-тез истеъмол қилиб турилса, киши саломатлиги яхшиланиб, руҳи тетиклашади.

Бугун биз сиз азиз уй бекаларига табиатнинг мана шу шифобахш ноз-неъматини — карамдан турли хил тузламалар тайёрлаш усуллари ҳақида маълумот беришни лозим топдик. Уйлаймизки, бу тузламалар дастурхонингизни янада чиройли этиб, ўзингизга ёқимли иштаха бағишлайди:

Карамнинг устки бир-икки қават барги олиб ташланиб, майда қилиб тўғралади. Қизил лавлаги, сарим-

соқпиез қирғичдан ўтказилади. Ош кўклардан шивит, петрушка ўртача катталиқда тўғралади. Тўғралаган карам сабзавот ва кўкатлар сирли идишга солиниб, туз, мурч, ва майонез қўшиб аралаштирилади. Майонез ўрнига сметана кўшса ҳам бўлади. Тайёр бўлган тузламани 15—20 дақиқа тиндириб, сўнгра ликопчаларга солиб, дастурхонга тортилади.

Худди шу масаллиқлар билан яна бир тур тузлама тайёрлаш мумкин. Бунда фақат қизил лавлаги ва саримсоқпиез қайнатилиб, сўнг қирғичдан ўтказилади. Майонез ўрнига тозаланган ўсимлик ёғи ишлатса ҳам бўлади. Бундай тузлама қизғиш тусда бўлиб, товланиб туради.

Тухумни сувда пишириб оқи майда қилиб тўғралади. Уни худди шу ўлчамда тўғралган карам, шивит билан майонез қўшиб, таъбга қараб туз селиб аралашти-

рилади. Кетадиган масаллиқ; икки дона тухум, тўртдан бир бўлак карам, бир боғ шивит, икки қошиқ майонез.

Бодринг, сабзи, карам, селдер, пиез ва саримсоқпиез майда қилиб тўғралади. Тўғралган барча масаллиқ каттароқ сирли идишга солиниб, туз, мурч, шакар, сметана ёқи майонез солиб обдон аралаштирилади. 20—30 дақиқа тиндирилгандан сўнг тузлама идишларга солиниб, сирти бодринг, бўлинган олмалар билан безатилиб дастурхонга тортилади.

Карамни майда қилиб тўғраб, қошиқ билан эзамиз, қизил сабзини қирғичдан ўтказиб, бир дона помидорни тўғраб, таъбга қараб туз ва 2-3 қошиқ қаймоқ солиб аралаштираемиз. Бу каби тузламалар киши саломатлигига витаминларга бойлиги билан фойдаси катта ва хўшхўрдир.

Дилбар тайёрлади

Дераза

ГАРОВГА СИГИР

Литвада майда тижорат қанот ёзмақда. Хусусан, Росейная тумани марказида ломбард — гаровхона очилди. Бироқ росейняликларнинг гаровбоп буюмлари камроқмиқан, ҳозирча катта қарз олувчилар чиқмаяпти. Шунданми, яқинда бир деҳқон гаровга... сигирини қўймоқчи эканлигини айтди. Лекин сигирни пештахтада асраб бўлмас экан.

УСТАМОН ХОНИМ

Краснодардаги йирик дўконлардан бирининг бўлим бошлигини нотаниш бир хоним ёш боладай лақиллатиб кетди. Гап шундаки, хоним сотувчига шиша идишларга бекитилган икрани кўтараси-га пуллади. Хомчўтлаб, тушадиган мўмай даромаддан хурсанд сотувчи шиша идишни очиб қараса икра дегани... резина шарикчалар экан.

РУҲЛАРИ ПОКЛАНМАДИ

Челябинск дайдиларини маҳаллий кришна руҳонийлари ўз сафларига оғдиришни ният этдилар. Дайдилер кришна руҳонийлари тайёрлаган садақ таомга гурра-гурра келишни қанда қилмадилар-у, лекин қанча вақт ўтса ҳам уларнинг руҳан покланаётганларининг бирор аломати сезилмади. Натжидада руҳонийлар садақ тарқатишни тўхтатишга мажбур бўлишди.

АЖАЛ УЙИНЧОҚ

Ҳадемай нарсонийларнинг Роджество — Янги йил байрами кириб келади. Ишига пишиқ одамлар ҳозирданок байрам тараддулларини кўришмоқда. Жумладан, Таганрог шаҳри яқинида яшовчи С. Ятченко шарафли темирйўлчи йигит ҳам байрам ҳозирлигини кўриб, ўз уйида қўлбола хлопущиқа — пакиллоқ ясай бошлади. Улардан бири «уста»нинг қўлида портлаб кетди. Кўкрак қафасига етган жароҳатдан бечора йигит қазо қилди. Мелиса машум хонадондан худди шундай яна 11 дона ажал «уйинчоқ» топди.

Оила

29 ЁШДА

Бухоро шаҳрида яшайман. Ёлғиз онаман, қиридан-шакар ёлғиз қизалогим камолини ўйлаб ва турмушга чиқиш ягона орзу-армоним, 30-50 ёшлар атрофида бўлган меҳнатсевар, оқ кўнгил уйим-жойим дейдиган кишига турмушга чиқиб, бутун меҳру муҳаббатимни унга бағишлаб, тинч-тотув, бахтли-саодатли яшамочиман. «Оила-270».

32 ЁШДА

Сирдарё вилоятилик, биргина ширин қизи бўлган Тошкент шаҳрида ўз шахсий уйда яшовчи, оиланинг барча ишларига ўқувчи, ёқим-тойгина аёл, 45 ёшгача бўлган, меҳрибон, ичмайдиган, бамаъни киши билан турмуш кўрмоқчи. Хоҳиш билдирганлар унинг 2 хонали уйига кўчиб ўтсалар нур устига аъло нур. «Оила-271».



ЭРИМАЙ ТУРСАНГ БУЛГАНИ

Р. АЛЬБЕКОВ сурати

Табриклаймиз!



Азиз онажонимиз Дилбар ОЛЛАБЕРГАНОВА!

Сизни 3-декабр таваллуд айёминиз билан табриклаймиз. Сизга боқий умр, тан сиҳатлик тилаймиз. Илоё, ҳар ишда сизга Оллоҳ мабодкор бўлиб фарзандларингизнинг ҳузур-ҳаловатини кўринг. Оиламиз бахтига ҳамisha соғ-саломат бўлинг. Оила авзоларингиз номидан ўғлингиз Отабек, келинингиз Дилдора, Хоразм вилояти, Хазорасп тумани.

Меҳрибон падари бузрукворимиз ЭРГАШ МУХТОРОВ! Сизни 4-декабр 50 ёшга тўлишингиз билан чин юракдан табриклайман. Сизга соғлиқ, узоқ умр, бахт-саодат тилайман. Ҳамиша қувончу шодлик ҳамроҳингиз бўлсин, ўғлингиз ўткир. Тошкент шаҳри, ТИҚХМО 2-босқич толиби.

Қадрли акажонимиз ЭРГАШ МУХТОРОВ! Сизни 4-декабр 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан оила авзоларимиз номидан самимий қутлаймиз. Сизга соғлиқ, узоқ умр, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз. Укангиз Ёқубовлар оиласи. Тошкент шаҳар, Қорасуво-2 даҳаси.

Ҳурматли МУҲАММАД ака ва келинойимиз НАРГИЗА-ХОН. Биринчи фарзанд муборак. Ило, умри билан берган бўлсин. Орзуларингиз тинч-соли бўлган бу қизалоқнинг

беғубор қулуси, ширин қилқлари сизларни бундан ҳам бахтлироқ кунларга етакласин. Сизларга ҳар доим шундай қувончли кунларни тилаб НАВБАҲОР. Журналистика қиллиёти и боёқчи толибаси.



Дугоналарим ДИЛФУЗА ва САЙЕРА!

Сизларни 4 декабр таваллуд кунингиз билан чин қалбдан табриклайман. Сизларга келажакда улкан бахт ва зафарлар тилайман. Келуси ҳаётингиз нурга тўлсин. Дугонангиз Диллола, Тошкент шаҳри.

МУҚАДДАС! Сизни тугилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, келажакдаги ишларингизга

лажақдаги ишларингизга улкан муваффақиятлар тилаймиз. Сизга соғлиқ тилаб дўстларингиз.

Файзиев Бахтиёр! Сизни таваллуд топган кунингиз билан қутлайман. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда омад тилаб, дўстингиз Ҳосил.

Қимматли момомиз, онажонимиз ЗЕВАРА опа! Қутлуг 75 ёшингиз билан чин кўнглидан табриклайман. Бизнинг, неварачевараларингизнинг бахтига доимо шундай навқирон, шодон, кексалик гаштини суриб юринг. Фарзандларингиз номидан ХАДИЧА.

Ҳурматли МУЗАФФАР ака! 7-декабр 21 ёшингиз билан самимий қутлайман. Сизга асрлик умр, бахт-шодлик, келажакдаги ишларингизда

улкан муваффақиятлар тилайман. Лабингиздан қулғу, юзингиздан табассум аримасин. ДИЛНОЗА, Тошкент.

НОДИРАХОН! Сизни 19 ёшингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Сизга Худодийм яна юзта 19 ёшни берган бўлсин. Доимо соғ-саломат бўлинг, қизингиз ВА-ЗИРАХОН турмуш ўртоғингиз Эркин, укаларингиз БОТИРЖОН ва ИСМАТБЕК

Ҳурматли отажонимиз АБДИЕВ ТУРДИМУРОД! Сизни қутлуг 48 ёшингиз билан қизгин табриклаймиз. Сизга туғанмас куч-қувват, доимо мана шундай навқирон бўлиб юришингизни тилаймиз. Фарзандларингизни ҳузур-ҳаловатини кўринг, деб талаба ўғилларингиз НУРАЛИ, МАМАТМУЪМИН. СУР хондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, Македон қишлоғи.



Санобар (НИЗОМХУЖА қизи) ФАҲРИДДИНОВА — Шаҳрисабзда туғилган. ТошДД журналистика куллиётини тугатган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. Шеърлари қатор коллектив тўпламларда ва республика матбуотида босилган. «Бир даста гул» шеърли мажмуасининг муаллифи. «Саодат» ойномасининг маданият бўлими мудури.

БУ КУН БОРЛИГИНГА ШУҚР ҚИЛДИМ МЕН

Ғаним — атрофингдаги одамларни дўсту-душманга ажратиб берадиган бир ғалвир экан...

Букун борлигинга шуқр қилдим мен,
Туманли умримнинг бағрин тилдим мен.
Дўст ким-у, ағёр ким ёраб, билдим мен,
Ҳақнинг денгизида тиндим, тиндим мен,
Ғаним, борлигинга шуқрлар бўлсин.

Ойнинг ҳам юзида доғи бўларкан,
Кувончининг кўксига охи бўларкан,
Мовий кунларининг қоҳи бўларкан,
Ҳешининг-да тахти-ю, чоҳи бўларкан,
Ғаним, борлигинга шуқрлар бўлсин.

Дўстман, деб ширин сўз айтганини кўрдим,
Сиримга сир қўшиб чатганини кўрдим,
Кўзим ёғин ялаб, сотганини кўрдим,
Сўнг Оллоҳ жабрини тортганини кўрдим,
Ғаним, борлигинга шуқрлар бўлсин.

Дейдилар, бағрингда яшар ёвдан кўрқ,
Бевақт сукунатдан, бевақт ёвдан кўрқ,
Сохта садоқату, доим ҳавфдан кўрқ,
Рақиб ошқориб, пинҳон говдан кўрқ,
Ғаним, борлигинга шуқрлар бўлсин.

Англаб англолмайин юрганам — дунё
Излаб тополмайин сурганим — рўё
Қаёнда саодат, қаёнда рўё
Кўрсатдинг уйғондим, тирилдим сўё,
Ғаним, борлигинга шуқрлар бўлсин.

ФИРОҒИНГА

Фироғингда эй, жоно, бу юрак тилим-тилим,
Номинг айтсам, ловуллаб қўядир тилим, тилим.
Висолингни фалақдин сўргандим мен мубғало,
Не сас бўлди, на садо — озурда дилим, дилим.

Қаро булут қаҳри ёмон қародур-ей, қародур,
Ғаним отган тошлар бошим ёродур-ей, ёродур.
Алдовларга ишонган ул ёрдан нени кутгаймен,
Умидимнинг кўкси энди яродур-ей, яродур.

Ишқ насими кимни ўлмиш, дардлари тизим-tizим,
Мангайида бедор туннинг «оҳ»лари чизим-чизим.
Йўлларига тиг қўймакғиз ошиқ аҳлин, ёронлар,
Тўғёнлари ўзи тигдир, умрига тўзим-тўзим.

Айтилмаган азиз калом — армонинг-ей, армоним,
Ҳаёлингиз ўтган умр — қурбоним-ей, қурбоним.
Ситамларинг Санобарни шеърга айлади, пайваст,
Қуйдирмаса қоғозни ҳам фиғоним-ей, фиғоним.

БУ БЎСТОН САҲНИДА ГУЛ ҚЎП, ЧАМАН ҚЎП

ОИБЕК ТЎРАҚУЛОВ

ТИЛАК

Кетдинг.
Ўзга нигоҳ термулар сенга...
Энди тушларингда
Сулаймон кирсин,
Девлар халос бўлиб,
Ўлган Сулаймон!

ЖУДОЛИК

Булбул
бу боғни
ташлабон
кетди.
Япроқсиз дарахтдир
энди бу
кўнгли.
Булбул эмас,
қузғун кўнади,
дарахтга —
хурсанд...

АБИЛЖОН АБДУРАҲМОН

ХОТИМА

Хув анави чўлларда —
Тикан босган йўлларда
Ўзимни қолдим кўриб —
Уйқуга кета туриб.

Исонни аслида
этаркан буюк
Қалбига из солган
Бир ғариб куюк.



Бир одам ўлди
Мангуман деган ўзига.
Бир сиқим тупроқ тўлди,
Дунё сизмас кўзига.



ЧИВИН

Ёруғликка учиб келган
Чивин чироқ шисасига
Келиб урилди
Қанот-оёғи жизғанақ бўлиб
қоғозим устига йиқилди.
Мен дарҳол шул ҳақда
ёзгани ҳозирландим.

ОЛЛОЁР

ҚАБРИСТОНДА

Бунда ўтмас, афсуслар ўсар.
Қулф уради бунда аттанлар.
Бунда фақат қабрни қабр
Ҳолин сўрар, тушунар, англар.
Бунда ою-йиллар чарх уриб
Кунлар хазонини тўқади.
...бунда ўғлин қабрини кўриб
Она қабри баттар чўқади.

БУ КЎЧАДА

Бу кўчада йўқнинг ўзи йўқ.
Қатор-қатор олма, ўриклар.
Деворлари баланд ҳовлисин
Бўрибосар итлар кўриқлар.
Бу кўчада йўқнинг ўзи йўқ.
Кампирлар кўп, чоллар ҳам талай.
Бир чеккадан бошланса тинмас
«Яхшимисан?», «Аҳволлар қалай?»

Бу кўчада йўқнинг ўзи йўқ,
Ҳамма нарса топар аниқлик.
Икки марта ўтдингми бўлди
Бўп қоласан тамом таниқди.


Бу кўчада бир қиз бор, аттане,
Бошқаларда йўқ-да ҳурлиги.
Шундан битта дил зорлиги бор,
Шундан битта бошнинг хорлиги.



ДИЛШОД НЕЪМАТ

Улар учрашмади, кўришди,
Кўздагини кўзлари билан.
Сўнгера эса турмуш қуришди,
Ширин-шакар сўзлари билан
Яшадилар шод ва хотиржам,
Қалбларида армон қолмади.
Лекин улар бирор марта ҳам
Севаман ёр дея олмади.

Тўртта девоор — мен учун қибла,
Кетдим, ҳаёл ашула айтар.
Кимдир мени қаҳирар имлаб
Мен қайтмайман, бу дунё қайтар!
Етар шунча хилвадга қолиб
Ҳасратларга ҳамдан бўлганам.
Кетгим энди бошимни олиб,
Кетдим энди қайтиб келгани.



Саидғанихўжа Исмоилов Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Эндокринология илмий-тадқиқот институтининг директор ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор. Москвадаги Патрис Лумумба номидаги халқлар дўстлиги университетини тугатган. Жаҳон эндокринология — жарроҳлик уюшмасининг ҳамда Жаҳон жарроҳлар жамиятининг аъзоси. Инглиз тилини билади.

дан одамлар шифо истаб келишади. Бироқ баъзан касаллик ўз кучини кўрсатиб бўлгандан сўнг келишадими, вақт ўтган бўлади. Касаллик асоратидан бир умр ногирон бўлиб қолиш ҳоллари ҳам учрайди. Буйрақда ўта нозик безлар бўлади. Унга баъзи урологлар ҳам эътибор беришмайди. Улар фақат буйрақдаги тошни олиб ташлайдилар. Маълум вақт ўтгач, тошлар яна пайдо бўлаверади. Сизга бир мисол айтмай: яқинда Чимкент шаҳридан бир аёл келди. Буйраги 12 марта оператсия қилинган. Бизнинг институтда даволанган, у дарддан бутунлай халос бўлди.

— Саид ака, ўзингизга маълум, ҳозир кўпчилик врачлар қолиб, табибларга, экстрасенсларга мурожаат қилишмоқда. Бу ҳолда тиббиётнинг келажаги қандай бўларкин!

— Афлотуннинг шундай гапи бор: «Врачларнинг энг катта хатоси шундан иборатки, улар кишининг руҳини эмас, балки танасини даволашга ҳаракат қиладилар. Ҳолбуки, руҳ ва тана бир бутундир. Уларни айрим-айрим даволаш мумкин эмас». Асосий сабаб мана шу. Врачларнинг руҳшунослари ниҳоятда кам. Хатоларимиз ҳам бемори фақат бемор деб қабул қилишимизда, уларнинг дунёқарши,

ти бор. Булар, албатта, кишиларнинг муомала маданиятига таъсирини ўтказмай қолмайди. Бироқ дард чегара билмайди, миллат танламайди. Американи оладиган бўлсак, у ерда тараққиёт қанчалик юксак бўлмасин, касаллик ҳам шунга яраша. Лекин бир жиҳати менга маъқул бўлди, улар касалликнинг олдинги олишга тиришадилар. Лоқайдлик касали уларда камроқ экан.

— Сиз Москвада ўқигансиз, ўзимизда таълим олган врачларнинг савиясига қандай қарайсиз!

— Талантли кишига қаерда ўқишнинг аҳамияти йўқ. Фақат олий маълумот олишнинг ўзи ҳам кўп нарсани белгиламайди. Ўзимизда ривожланган давлатлардаги врачлар билан беллаша оладиган, чуқур билимга эга врачлар кўп. Бироқ афсуски, ҳозирги талабаларнинг билими нисбатан пазайиб бормоқда. Тиббиётда ярим билим билан ишлаб бўлмайди.

— Ўзбек олимларидан кимларни устоз деб биласиз!

— Устозларим кўп, аввало, онамни тилга олмасдан ўтолмайман. Онам, Маъсума ая Обидова 42 йил шу соҳада ишлаганлар. ТошМИ, СаМПИда доцент бўлганлар. Ҳозир ўшлари 78 да, пенсиядалар. Домла Ёлқин Тўрақулов-

ДАРД ҲАМ БЕЖИЗ ЯРАТИЛМАГАН

— Саид ака, ноўрин бўлса-да, сўрагим келди, одам нега касал бўлади!

— Одамзот яралибдики, ҳар хил дардлардан халос бўлгани йўқ. Афсуски, хасталик, дард — булар бор нарсалар. Балки инсоннинг жисмоний, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан йўл қўйган хатоларига яраша табиат томонидан қўйилган бир зарбадир бу. Ким билади, балки ҳаётнинг қадрига етиш учун ҳеч бўлмаганда бир бор дард чекиш лозимдир. Ҳаммамиз ҳам жонимизнинг, соғлигимизнинг қадрига етавермаймиз. Баъзан тўрт мучамиз соғ эканига шукр қилмасдан, инсоний қиёфамизга хос бўлмаган ишлар билан шуғулланамиз. Шунинг учун ҳам бемор вужудга дунё гўзал кўринади. Уйлайманки, ҳеч бир нарса, ҳатто дард ҳам бежиз яратилмаган. Балки бунда ҳам бир ҳикмат бордир!

— Айтганингиздек, инсоннинг мўъжазгина танасига жойлашган дарднинг хасталикнинг давоси не эканлигини, қаерга мурожаат қилиш кераклигини билишмайди. Шунинг учун сўзинг соҳангиз бўйича сўхбатлашсак.

— Бизда, асосан, буқоқ касалликлари оператсия қилинади. Бу касалликнинг тури жуда кўп. Пайдо бўлиш сабабларидан бири танда йод етишмаслигидир. Билсангиз, ҳозирги истеъмол қиладиган тузимиз таркибида йод аралаштирилган. Шунингдек, ушбу хасталик баъзан туғма бўлиши ҳам мумкин. Кўп ҳолларда эса кимёвий дорилар билан захарланиш, руҳий ва асабий таъсирланиш ҳам буқоққа олиб келиши мумкин.

— Сизларга бошқа ҳудудлардан ҳам беморлар келишадими!

— Институтимиз Марказий Осиёда ягона марказ ҳисобланади. Республикамиздан ташқари турли жойлар-

характери, мижози — умуман, инсоннинг ички дунёси билан қизиқмаймиз. Сиз айтган табилбар шунга эътибор берадилар. Ҳеч бўлмаганда, беморда ўзига нисбатан ихлос уйғота оладилар. Улар ҳам даволасинлар, халқ шифо топаётган бўлса, врачми, табибми, бунинг аҳамияти йўқ.

— Сиз Америка, Австралия, Сингапур, Янги Зеландия, Булғория, Полша, Хитой, Япония каби давлатларда бўлибсиз. Хорижда бемор ва шифокор муносабати қандай экан! Қайси жиҳатлари билан бизникидан фарқ қилади!

— Ҳамма жойнинг ўзига хос қонун-қоида, тартиб-интизоми, урф-ода-

ни ҳам энг яқин устозим деб биламан. У киши мендан ёрдамни ҳеч қачон аямаганлар. Оилада эса ҳаммамиз бир-биримизга устоз-шоғирдлармиз. Хотиним, онам, укам, синглим ҳам шифокор.

— Саид ака, сизнингча қандай одамни зиёли дейиш мумкин!

— Фақат олий маълумот олиш ёки унвону мартабаларга эришиш билангина одам бундай мақомга лойиқ бўлавермайди. Менингча, энг аввало, ўзлигини англаган инсон зиёли. Қолаверса, қондан, ирсиятдан ўтувчи, Оллоҳ бандаларига инъом этгучи буюк мартаба бу.

Юсуф ЗИЁД

ЎЛҒИЗЛИК ФАЛСАФАСИ

Тангри таоло нима учун Тунни яратган? Албатта, бу ҳақда улғу китобимиз Қуръони каримда гўзал тафсилотлар берилган. Шул боис илоҳий сўзларни шарҳлаб, муболага қилишдан тийиламан. Ҳар ҳолда Тун деб аталмиш мавжудликда мўъжизакор бир сир ва ҳикмат борлиги мени у ҳақда фикр юритишга ундайверади.

Кун бўйи ишларингиз, бола-чақангиз даврасида кечки танавулни қилдингизу кўнглингиз алланечук ҳаловатни истаб қолади. Озгина бўлса-да фарзандларингизнинг шовқинидан холи бирор жой — алоҳида уйдаими, айвон ёки сўридами ёлғиз ўтиргингиз келади. Бу бахтга эришасиз ҳам. Шунда кун бўйи қилган ишларингизни чамалайсиз, эртагалигини режалаштирасиз. Қоп-қоронғи оламнинг аллақайси нуқтасигами ёки осмонгами термулиб ҳатто ҳеч қачон хаёлингизга келмаган нарсалар тўғрисида беихтиёр ўйлаб кетасиз. Кўнглингизда эрка бир кайфият пайдо

бўлади. Бундай ҳолга бошқа пайтда ҳечам йўлиқмагансиз. Бу Туннинг илоҳий ҳикмати эмасми?

Менимча Аллоҳ Туннинг зиммасига юклаган ўзининг буюк режалари эро одамлар қалб борлигини унутмасинлар деган бўлса ажабмас. Тун ёлғизликда сирлироқ, ёлғизликда эса одам кўнгил билан тиллашади. Уни тинглайди. Ёлғизликни кучоқлаган сукунат — Илоҳнинг сўзи...

Тонг сахарда уйқудан уйғонсизу юз-кўлингизни ювиб ҳовлини айлангиз келади, унақа пайтда умуман гапиришни хоҳламайсиз, жимгина сайр қилсангиз бўлди, — бу кўнгил истаги. Сизга фақат озгина Ёлғизлик бўлса бас. Шу асно кўп нарсалар ҳақида ўйлайсиз, илло бундай пайтда ҳар қандай кишининг кўнглига ҳам ёмонлик келмагай. Уларнингиз асосан майда, аммо эзгу ўйлар бўлади. Бу не ҳикмат?

Динимиз кўпича сукутда

бўлишликни, яъни камроқ гапиришни ўргатади. Сукут сақлай олишни одам Ёлғизликда ўрганиши мумкин. Эсланг, жаноби пайғамбаримиз саллоллаҳи алайҳи васаллам Ҳиро тоғидаги ғорда танҳоликда улғу ваҳийга мушарраф бўлади. Ҳатто у улғу зот овқат емай, ухламай озиб-тўзиб кетадилар. Нега энди буюк Оллоҳ, ҳар нега қодир Оллоҳ ваҳий юборишни пайғамбаримизнинг танҳолигиде раво кўрди? Аввало, олий ҳакам ёлғиз Оллоҳнинг ўзи-ку, лекин менимча, Ёлғизликда дил кўзи, дил қулғоги каттароқ очилади.

Мен Оллоҳнинг бандаларини унинг пайғамбарига тенглаштириш гуноҳидан йироқман. Аммо эзгу дилларда Ёлғизликка интилиш ўшал улғуларимиздан оққан бўлса не ажаб! Ахир Навоий ҳазратлари ўзининг «Ҳамса»сини дўстлари даврасида ёзмаган-ку?! Еки ҳазрати Ясавий ва Ҳазрати Нақшбандлар ўзларининг улғу қароматлари-ю мақомотларига қамаша жамоат ичра бў-

либ эришмаганлар-ку? Умуман башариятнинг барча етук кишилари ўзларининг дурдона асарларини, кашфиётларини Ёлғизликда яратганликларини айни ҳақиқат. Ҳар тугул Ёлғизликда бизнинг тафаккуримиз илғамас сир борлиги аниқ.

Агар илмга яқинроқ тилда айтадиган бўлсак, Ёлғизликда юрак, мия фаолияти, қон айланиши ҳам ўзгаради, балки сирли тус олади, эҳтимол яхшиланар. Танангизда ажиб бир ҳаловат ҳукмрон бўлиб, мускулларингиз, жаммики ҳужайраларингиз ғалати жимирлайди. Одам умрининг баъзи лаҳзаларини танҳоликда ўтказиб туриши керак. Шунда киши ғийбатлардан ва фисқу фасодлардан ҳам йироқлашади. Умрини кўпроқ сукутда, Ёлғизликда ўтказган шахс ёмонликдан тийлашади, ундан узоқлашиб боради. Менимча Ёлғиз қолишдан кўрқадиган кишилар асосан майда гапларга, ғийбатларга берилувчан бўлишади.

Фақат Ёлғизликдагина киши ўзини ўзи енга олиши мумкин. Ҳар ҳолда улғуларимиз эътироф этган ўзликини англаш, дунёни тушуниш, Оллоҳни таниш фақатгина Ёлғизликда рўй бериши аниқ. Эҳтимол одам том маънода

фақат Ёлғиз қолгандагина яшар?! Ўзликини англаш, Оллоҳни таниш каби улғу тушунчаларни қўя турайлик-да, Робинзон Крузо каби мушкул аҳволга тушиб қолган одамни тасаввур қилайлик. У тақдир тақозоси билан ўзи ҳеч қачон қила олмаган, қила олишига кўзи етмаган ишни уddаллаши мумкин. Ҳатто етук олимлар кашф этолмаган нарсаларни яратиши, умуман, адабиётдан йироқ бўлса ҳам ўзи-ўзи билан гаплашавериб, шоирга айланиши мумкин. Энг асосийси эса, Оллоҳни таниши, унинг қудратини ҳис қилиши. У яшаб қолар шундан имкониятлардан фойдаланади, чораларнинг чорасини-да кашф этади. Мана, сизга Ёлғизликнинг мўъжизаси.

Пайғамбаримиз тунги намоз ўқишининг фазилатлари ҳақида кўп гапирадилар. Нега энди айнан тунги намоз ҳақида? Чунки унда одам Ёлғиз қолади. Ҳуш — ғафлатни енгиб, ярим тунда намозга тура олган киши ўзи-ўзини енга олиши аниқ. Ўзини енга олишда эса ҳикмат кўп.

Ёлғизликнинг мен англамаган ва англай олмайдиган томонлари яна қанчайкин!..

Наби ЖАЛОЛИДДИН

ШУНЧАКИ МАРИЯ

1-ҚИСМ

Асли исми Марям, лекин Марья деб чакиришади. Бун кейинроқ айтиб бераман. Кўрғончаликман. Кўрғонча дегани дўпидеккина кишлоқ. Унинг гўзаллигини сўз билан таърифлашнинг иложи йўқ. У томонига қараб юрсанг ҳам, бу томонига қараб юрсанг ҳам яйлов. Шунинг учун ҳам жамоа хўжалигининг энг катта фермаси шу кишлоқда. Кишлоқдагиларнинг кўпчилиги фермада ишлайди. Мен ҳам кишлоқдошларим катори саккизинчидир битирдим-у шу фермага сут соғувчи бўлиб ишга жойлашдим. Ишга жойлашганимнинг олтинчи ойи эди, раис бува келиб ҳамма кизларни ферма мудирининг хонасига тўпладилар. «Районда сут соғувчиларнинг «гўзаллик танлови» бўлади. Биздан ҳам бир киши катнашиши керак», деганларида, ферма мудир: «танловга ўрток Бабакова Марям боради», деб мени тавсия қилди. Бу таклиф раис бувага ёқиб тушди. Шундай ки...

реклама

«Оила ва жамият»га обуна бўлинг.

2-ҚИСМ

...тиб «гўзаллик танлови»га катнашиб биринчи ўринни олдим. Орадан ҳеч қандай вақт ўтмай вилоят кўригига, сўнг республика кўригига катнашдим. Бундан юқори-роғига катнашардим-у, лекин раис бува «чўнтакни ахволи чаток», дедилар... Гўзаллик баъзан чўнтакка ҳам боғлиқ экан... Кишлоққа қайтиб келганимдан кейин, орқамдан мухбирлар оқиб келaboшладилар. Уйимизга эса совчилар. Совчиларга онам, мухбирларга, раис бува жавоб бердилар. Бир кун республика газитидан бир мух...

3-ҚИСМ

...бир келиб, мени саволга кўмиб ташлади. Довдираб тилим қалимага келмади. Мухбирнинг ўзи уч-тўрт қоз қоралаб менга кўл кўйдириб олди. Кейин афеус билан: «Эсиз, вақтларок уйланган эканман» деб жўнаб кетди. Шу гапнинг маъзини энди-энди чакби олдим... Вақт деганини тормозни бўлмас экан. Тенгдошларимнинг бари мактабини битириб, катта-катта ўқишларга кетиб, кишлоқда бир ўзим шумшайиб қолавердим. Мен ҳам маошимни олган куним тўғри Бой...

реклама

«Муштум»га обуна бўлинг.

4-ҚИСМ

...бўта мудирни дўконига кириб, гирибдишин кўйлагимга ҳамранг қилиб жамадонча сотиб олдим. Бойбўта мудир харидимни кўриб: «йўл бўлсин!» деган саволига жавоб бермадим. Дўкондан чиқиб кетарканман, орқамдан: «Кишлоқда биттагина «пари» бор эди, шуни ҳам бизга кўп кўришди», деб қолди. Нимага бу гапни айтди, мана энди маъносига тушунаёйман... Жамалончани уйга олиб келдим ва бешболорли хонага кириб эшикни ичкаридан бекитиб...

реклама

Кўнглингиз истаган наشرга обуна бўлинг.

5-ҚИСМ

...кийим-кечакларимни жамадончага жойладим. Аввал

3-ҚИСМЛИ ТЕЛЕҚИССА

онамга, онамнинг маслаҳати билан раис бувага бориб мақсадимни айтдим. Раис бува рози бўлишга бўлди, лекин орқамдан: «хону-моминни куйдириб кетдинг», деб қолди... Ора-чорада кишлоққа борганимда шу гапни маъносини раис бувадан сўрасам, ўзларича кийишанглаб қулиб қўядилар... Хуллас, ҳаммани розилигини олиб ша...

реклама

«Наврўз» ва «Маҳалла» жамғармаларининг ўн марта ўйналадиган хайрия лотереясини сотиб олинг.

6-ҚИСМ

...харга кетдим. Шахарни унчалик яхши билмасдим. Уш «гўзаллик танлови»га келганимизда, раис бува биринки жойларни кўрсатган эдилар. Тўғри келган бир институтга бордим. Хужжатларимни қабул қилишмади. «Саккизини тугатган экансиз, техникум-пехникумга боринг, албатта қабул қилишадилар, кўзга яқинроқ экансиз», дейишди. Омадим йўқ экан, деб қайтиб кетаётган эдим...

реклама

«Оила ва жамият»га обуна бўлинг.

7-ҚИСМ

...ихчамгана бинога кўзим тушди. Пештоқига «Савдо билим юрти» деб ёзиб қўйишбди. Дарров шу билим юртига хужжатларимни топширдим. Билим юртига яқинроқ ердан, бир тотор кампирнинг уйини ижарага олдим.

Худди шу тотор кампир менга Марья исмини берган. Шу шу исимни берган бўлиб кетган. Анининг маҳалласидагилар ҳам мени Марья деб чакиришарди... Пешонам шўр экан, ўқишга киролмадим. Ўқиш деганлари сигирнинг елинини тортиш эмас экан. Хужжатларимни қайтиб олаётганимда, бирови: «Эсиз, аввал кўзим қаёқда экан, а?» деб қолди. Ушанда бу эркакларнинг ҳаммаси шунақами, деб роса аччиғим чиққан. Хужжатларимни қўлтиклаб уйга кириб борганимда, Ани менинг ахволимни кўриб, ўзича далда берди. У менга астойдил...

реклама

«Наврўз» ва «Маҳалла» жамғармаларининг ўн марта ўйналадиган хайрия лотереясини сотиб олинг.

8-ҚИСМ

...куйиниб: «Марья, энди кишлоққа нима деб бора-сан?» деди. Мен ўйланиб қолдим. Ани эса: «Кишлоққа бориб яна тезак йиғасанми? Яхшиси, шаҳарда қолсанг, бир йилча тайёрланиб, ўқишга кириб кетасан», деди. Ўйлаб қарасам, Анининг гапи тўғри. Қоладиган бўлдим... Бир кун...

реклама

Кўнглингиз истаган наشرга обуна бўлинг.

9-ҚИСМ

...Ани хонамга кириб. «Ха, деб китобга ёпишиб олма, кўзингга зарари бор,— деди у,— раз, савдо билим юртига кириш ниятинг бўйса, кўпора

бозор айлан, мен озгина кўкат экканман, бахонада шунинг сотиб қирасан. Устига-устак бозорни кўриб бахри-дилнинг очилади».

«Майли,— дедим унга,— кўкатларингизни сумкага солиб беринг».

У бўйса, «солиб қўйганман» деди. Шундай қилиб, сумкани кў...

реклама

«Муштум»га обуна бўлинг.


10-ҚИСМ

...тариб бозорга чиқдим. Кўкатчилар растасининг бир чеккасида ўтириб, сумкани очишимни биламан, а-рофимини харидорлар ўраб, бир зумда кўкатларни талаб кетишди. Бўлмаса, бозор тўла кўкат. Уйга қайтиб келганимда Анининг қапалағи учди. «Молнинг миласа олиб қўйдими?» деди. Мен эса унинг қўлига бир даста пул бердим ва яна кўкат юлиб беришини сўрадим... Уч кун деганда Анининг ҳамма кўкатларини сотиб бердим. Ани хайрон. Мен эса хайрон эмасман-у, лекин харидор...

11-ҚИСМ

...ларнинг: «Аканг кўзингдан!» деган олқишларига тушунмай, ўзимни кўзгуга солиб, кўзимга нима қилган экан, деб қарайман... Қўлим энгиллигини Ани бир пасда бутун маҳаллага тарқатибди. Аввал шундоқ ён кўшимиз Рисолат опа, кейин биринкетин томарқасига кўкат эккан кўшчилар молларини олиб чиқиб, бозорда сотиб беришини сўрадилар. Мен эса уларнинг илтимосларини ерда қолдирмадим. Бу хол кўкат мавсуми туғагунча давом этиб, маҳаллада обрўйим ошди. Чакқонлигимдан фойдаланган маҳалладаги тижоратчи аёллар аста...

(Давоми келгуси сонларда)
ПРОДЮСЕР —
УСТА КЎПАЛ



МУАЛЛИФ: АБИЛЖОН АБДУРАҲМОНОВ

ТЕГИРМОНДАН БУТУН

ЧИҚҚАН ГАПЛАР

Ўғлим, кўча-кўйда юргингда тилнидан бол томсин. (Онани ўғлига насиҳати)

Азиз пахтакорлар! Пахта йиғим-теримида кўлни-қўлга берайлик! (Раиснинг даъватидан)

Қоранг ўчсур чироқ энди Марья бошлангани билан ўнча бўладими-я. (Кампирлар даърасидан)

Кеча «Оталар сўзи»ни кўрдимми? Зўр бўлди-а. (Кўшчилар суҳбатидан)

Ўтган кунни Ахмат ўғлини чойхонада «ювди». (Улафгалар суҳбатидан)

Хой айланай анови ўлгур Хуан Карлос қорасини кўрсатмай кетди-я. Хайрият. (Кампирлар суҳбатидан)

Абдувоҳид РАЗЗОҚ ўғли

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЕҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ, Мухаббат ИБОДОВА,

Ҳалим САЙИИД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Аскар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ, Мейли ЙУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомиёлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Муборак туманидаги «Житой» давлат хўжалиги, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси.

Таҳририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташиқлотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино. Телефон: 39-43-95.

Азиз АБДУВАЛИ навбатчилик қилди.

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33. Буюртма № Г-713. 23189 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.